

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ АГЕНТЛИГИ

ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯ
MILLIY
AGENTLIGI

2023 - 2024 йил



“

Жамиятимизда ижтимоий адолат ва инсон қадрини таъминлаймиз десак, бу янги тизимни жойларда самарали ишлатиб, муҳтож инсонларга мадад ва умид бағишлашимиз керак

”

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.М.Мирзиёев



МУНДАРИЖА

КИРИШ

1. ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2. ОИЛАЛАРНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ

Нафақалар

“Фаровон оила” дастури

3. НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Ногиронликни белгилаш

Протез-ортопедия мосламалари (ПОМ) ва реабилитация қилиш техник воситалари (РТВ) билан таъминлашда кенг имкониятлар яратиш

Ногиронлиги бор болаларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш

4. ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРГА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ

5. ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

6. ЎЗГАЛАР ПАРВАРИШИГА МУҲТОЖ ШАХСЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар

7. ҲАМКОРЛИК

Жамоатчилик билан мулоқот

Нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик

Халқаро ҳамкорлик

8. “CALL MARKAZ” ФАОЛИЯТИ

КИРИШ

Мамлакатнинг кун тартибидаги асосий масалаларидан бири **ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш**, уларнинг **фаровонлигини ошириш** масалаларидир.

Яқин даврга қадар ижтимоий ҳимоя тизимини мувофиқлаштирувчи ва мазкур соҳада давлат сиёсатини олиб борувчи орган ва умуман олганда ягона қараш мавжуд бўлмаган.

Вазирлик ва идораларга юклатилган вазифаларнинг такрорланиши сабабли **ягона маълумотлар базасини марказлашган ҳолда юритилишига имкон бўлмаган.**

Аҳолига сифатли ҳамда манзилли ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан **2023 йил 1 июнь кuni Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.**

Ижтимоий ҳимоя соҳасида давлат сиёсатини юритувчи ягона орган ташкил этилиши **Жахон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти** ва **ЮНИСЕФ** томонидан қўллаб-қувватланган ҳамда ташкил этиш жараёнида экспертлар ҳамкорлиги таъминланган.

6 та вазирлик ва идораларнинг тузилмаларидаги муассасалар **Агентлик тасарруфига ўтказилди.**

Республика бюджетидан ижтимоий ҳимояга 2016 йилда **2 триллион сўм** сарфланган бўлса, 2024 йилга келиб **9,8 бараварга ошиб**, тахминан **20,3 триллион сўмга** етди. Бу маблағ ЯИМнинг **1,4 фоизини** ташкил этмоқда, бу эса ижтимоий ҳимоянинг ривожига катта ҳисса қўшилаётганлигидан далолат.

Тақдим этилаётган мазкур журналда (Factbook) ижтимоий ҳимоя соҳасида қисқа вақт мобайнида амалга оширилган ўзгаришлар ва эришилган натижалар **факт ва рақамлар орқали** ифода этилган. Ушбу рақамлардан ислоҳотларнинг кўлами, моҳияти ва аҳоли ҳаётига ижобий таъсири ҳақида ахборот олиш мумкин.





THE WORLD BANK

Халқаро меҳнат ташкилоти,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)
ҳамда Жаҳон банкининг
ҚЎШМА БАЁНОТИ

“

Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилишини олқишлайди.

Дунё ва Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватловчи асосий ҳамкорлар сифатида биз Агентликнинг ташкил этилишини Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни ривожлантириш йўлида муҳим қадам деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ваколатли орган ижтимоий ҳимоя сиёсати ишлаб чиқишини таъминлайди, ижтимоий таъминот ва ижтимоий хизматларни бирлаштирувчи ҳамда бошқа хизматлар билан ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи сиёсатни амалга оширади.

Биз, Агентлик ижтимоий ҳимоя соҳасидаги миллий сиёсатнинг норматив асосларини белгилаш, алоҳида дастурларни ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришни таъминлайди, чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг натижаларини фактларга асосланган ҳолда назорат қилади, деб умид қиламиз.

”



ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Яқин даврга қадар аҳолининг муҳтож қатламлари ижтимоий хизматларни олишлари учун турли идора ва ташкилотларга мурожаат этишлари зарур бўлган. Бу ўз навбатида, ортиқча вақт, маблағ сарфланиши ҳамда сарсонгарчиликка олиб келган.

Илк бор ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга барча туман ва шаҳарларда ҳамда маҳаллаларда ягона давлат органи орқали ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, муаммоларини ҳал қилиш имкониятини берувчи тизим яратилди.

Барча туман ва шаҳарларда **208** та “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

«Инсон» марказларида



инклюзив муҳит



фронт-офис



психологик ва юридик ёрдам



сурдотаржимон хизматлари



мулоқот стандарти ва скриптлар



CRM тизими



хизмат сифати ва мижоз ишончини баҳолаш механизми жорий қилинди (feedback)



ҳуқуқий масалаларда эксперт маслаҳатчи



психологик гуруҳлар ташкил этилди

Шунингдек, республиканинг барча маҳаллаларида умумий **9 361** минг нафар маҳалладаги ижтимоий ходимларнинг фаолияти йўлга қўйилди.



Ижтимоий ходимларнинг **72%** аёллар ташкил этади

“Ягона дарча” тамойили асосида “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Хизматлар турлари **4** баравар кўпайди

2023 **26 та**

2024 **103 та**

Жорий йил январь-ноябрь ойларида **2,0** млн нафарга яқин шахслар **ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди**.



- Ижтимоий ходимлар орқали - **1 196,6** минг
- Инсон марказлари орқали - **462,4** минг
- Онлайн - **320,4** минг

Оғир ижтимоий вазиятдаги оилаларга кирган ҳолда **комплекс баҳолаш**, уларнинг **кучли тарафлари** ва **имкониятларини** ўрганиш мақсадида "кейс менежмент" усулига асосланган **ижтимоий иш очиш йўлга қўйилди**.

117,3 мингта оилага кейс очилиб, оилаларни қийин вазиятдан олиб чиқиш мақсадида **220** мингдан ортиқ хизмат ва ёрдам билан қамраб олинди ҳамда индивидуал режалар шакллантирилди.

Маҳаллаларда ўтказилган хатловларда **ижтимоий хизмат ҳамда ёрдамлар билан қамраб олинмаган 85,9** минг нафар шахс аниқланди



34,1 минг нафар ногиронлик гуруҳи белгиланмаган



21,2 минг нафар протез ва ортопедия буюмларига муҳтож



11,7 минг нафар болага васийлик ва ҳомийлик белгиланмаган



3,3 минг ўзгалар парваришига муҳтож шахслар



4,7 минг нафар таълимга жалб этилмаган ногиронлиги бўлган шахслар.



3,4 минг нафар хизмат кўрсатилмаётган ўзгалар парваришига муҳтожлар



5,4 минг нафар 34 турдаги оғир касалликка чалинган болани парваришlash нафақасини олмаётганлар



2,2 мингта боқувчисин йўқотганлик нафақасини олмаётган оила

Комплекс ёндашилиши, оиланинг эҳтиёжи ва кучли томонлари баҳоланиши натижасида **1** та хизмат тури учун қилинган мурожаат (ижтимоий иш) асосида ўртача **1,9** та хизмат (ёрдам) кўрсатишни назарда тутувчи индивидуал хизматлар режаси ишлаб чиқилган.

Ушбу кўрсаткич ноябрь ойида **1** та кейс бўйича **2,4** тани ташкил этди.

Ижтимоий ходимлар фаолияти натижасида хизмат ва ёрдамлар бўйича аҳолидан тушган мурожаатларнинг **74** фоизи **маҳалладаги ижтимоий ходим орқали** қабул қилиниб, аҳолининг хизматларни олиш учун сарфланадиган **50** млрд сўм маблағлари тежалди.

Президент виртуал қабулхонасига мурожаатлар 2023 йилга нисбатан **1** фоизга ошган бўлса-да, юқоридаги жорий этилган ислохотлар натижаларида ижтимоий ҳимояга оид мурожаатлар – **10** фоизга, вилоят ҳокимликларига – **33** фоизга, туман (шаҳар) ҳокимликларига – **46** фоизга камайди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича **фуқароларни қаноатлантириш даражаси 86** фоизга етказилди. **Такрорий** мурожаатлар сони 2024 йил бошига нисбатан **58** фоизга камайди.

Умиджон Тўраев, Вобкент тумани "Шифокор" МФЙ фуқароси (ногиронлиги бўлган шахс),

“ Масофавий таълимдан воз кечиб, анъанавий таҳсилда иштирок этишим учун имкон берилди!

”



“ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг **сиёсий иродаси туфайли** халқаро майдонда аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва демографик барқарорликни таъминлаш борасида **эришилган ютуқларни тарғиб этиш муҳимлигини** қайд этиб, бу каби натижаларни Давлат Раҳбарининг халқаро тадбирлардаги чиқишларида эълон қилиб боришни тавсия қилди.

Айниқса, бугунги кунда кўплаб давлатлар “чиройли гапирадиган эмас”, балки **“амалий натижа қиладиган” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев** каби сиёсий лидерларга эҳтиёжи борлигини таъкидлади.

”

Диане Кейта, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ижрочи директори ўринбосари.

Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва иш жараёнидан узилмаган ҳолда, малакасини ошириб бориш мақсадида **e-learning.istc.uz** онлайн таълим платформаси ташкил этилди.



9 175 нафар
фойдаланувчи



10 га яқин
курслар



100 дан ортиқ
видео-қўлланмалар

Малакаси оширилган ходимлар

4 835 нафар маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим

Ўқитишнинг асосий йўналишлари:



2 100 нафар ижтимоий ходим ассистенти

"Инсон" ижтимоий хизматлар маркази
ходимлари қайта тайёрлаш ва малака
ошириш жараёнларидан ўтди.



204 нафар "Инсон" ижтимоий
хизматлар маркази супервайзерлари



307 нафар "Инсон" ижтимоий
хизматлар маркази психологлари



416 нафар "Инсон" ижтимоий
хизматлар маркази операторлари



199 нафар "Инсон" ижтимоий
хизматлар маркази ҳуқуқий эксперт
маслаҳатчилари



411 нафар болаларни ижтимоий
ҳимоя қилиш шубҳаси мутахассислари

"Ижтимоий иш" йўналишида олий таълим муассасаларига бакалавриат бўйича "грант" ўринлар
75 тадан **80** тага қўпайтирилди.


ОИЛАЛАРНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ

Оилаларни камбағалликдан чиқаришда бир вақтнинг ўзида **оиланинг ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий муаммоларини комплекс ҳал қилиш Янги ижтимоий ҳимоя тизимининг олдига қўйилган** вазифалардан биридир.

2024 йил ноябрь ойида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган кам таъминланган оилалар сони **960,8** мингтани ташкил этмоқда. Ушбу оилаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қуйидаги аъзолари қамраб олинган.



Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,4** бараварга (-**1,3** млн оила), йил бошига нисбатан **2** бараварга (-**986** минг оила) камайган.



16 та идораларнинг **56** турдаги электрон маълумотлари интеграция қилинди. Нафақа тайинлаш мезонлари ҳар ойда автоматик текширилиши йўлга қўйилганлиги натижасида **иқтисодий аҳволи яхшиланган 521,4** минг оила реестрдан чиқарилди.

Нафақалар манзиллигини таъминлаш бўйича тарғиботлар давомида **140,4** мингта оила ихтиёрий равишда нафақа тўловларини тўхтатиш юзасидан мурожаат қилди.

2023 йилда



2,2 млн та оилалар учун



12,3 трлн сўм ижтимоий нафақалар тўланган

2024 йилда



1,3 млн та оилалар учун



7,4 трлн сўм ижтимоий нафақалар тўланган

3 трлн сўм иқтисод қилинади

Шу билан бирга, энергия ресурслари тарифлари ислоҳоти давомида **кам таъминланган оилаларга** таъсирни юмшатиш мақсадида **иситиш мавсумида 1,1** млн оилага жами **290,3** млрд сўм бир марталик моддий ёрдам тўлаб берилди.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларга энергия ресурслари бўйича **базавий меъёрдан ошган қисми бўйича харажатлар компенсация** қилиб берилиши йўлга қўйилди (октябрь ойида иситиш мавсуми бошланган ҳудудларда **12,7** минг оилага, **496,4** млн сўм компенсация қилинди).



Ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган ва салоҳиятини рўйбга чиқариш учун имконият яратишга қаратилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида:

Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда ҳамкор вазирлик ва идоралар билан **120** та саволдан иборат камбағал оилаларни аниқлаш бўйича сўровнома ишлаб чиқилди.

“Камбағал оилалар реестри”ни юритиш амалиёти жорий этилиб, камбағаллик белгилари бўйича сўровнома асосида ўрганилган **100,6** минг оилалар реестрга киритилди.

“Камбағал оилалар реестри”га киритилган **82,9** минг оила учун индивидуал хизматлар режалари ишлаб чиқилиб, белгиланган хизматлар кўрсатилиши натижасида:

1. 43 921 нафар шахсларнинг бандлиги таъминланди.



9 332 нафар шахс доимий ишга жойлаштирилди



1 842 нафар шахс касаначилик ва тадбиркорга бириктирилди



5 983 нафари тадбиркорликка жалб қилинди



17 791 та хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди



666 та хонадонда иссиқхона хўжалиги ташкил қилинди



1 505 нафар шахсга асбоб-ускуна олиб берилди



746 та хонадонда чорвачилик ташкил этилди



1 414 та хонадонда паррандачилик ташкил этилди

2. Таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш.



4 186 нафар эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини МТТга жойлаштириш чоралари қўрилди



2 448 нафар ёшлар “IT”, хорижий тиллар ва бошқа курсларга жалб қилинди



14 017 нафар бола мактаблардаги тўғарақларга жалб этилди



2 513 та хонадонда фарзандларга дарс тайёрлаш учун шароит яратиб берилди



317 нафар шахсга ноутбук (компьютер) олиб берилди



347 нафар талабаларнинг контракт тўловлари тўлаб берилди

3. Кафолатланган давлат тиббий хизматидан фойдаланиш.



24 030 нафар шахс тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволанишига кўмаклашилди



142 нафар шахслар республика марказий шифохоналарида соғлиги тикланди



9 902 нафар шахс бепул дори воситалари билан таъминланди



1 148 нафар шахслар вилоят шифохоналарида соғлиги тикланди



319 нафари шахсда мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди



22 327 нафар шахслар туман даржасидаги муассасаларда соғлиги тикланди

4. Ижтимоий хизматдан фойдаланиш.

Ўтган даврда **1 167** нафар шахснинг ногиронлигини белгилаш ёки гуруҳини ўзгартиришга кўмаклашилди. **601** нафари РТВ ва ПОМ билан таъминланди.



446 нафар бола ПТПК текширувидан ўтказилди



265 нафар болага васий белгиланди



673 нафар шахс реабилитация қилинди



7 929 та кам таъминланган оиллага моддий ёрдам тайинланди



3 313 та оиллага "Саховат ва кўмак" жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди



133 нафар кекса ёшдаги шахсларга ёшга доир нафақа тайинланди



5 477 та оиллага психологик ёрдам кўрсатилди



2 283 шахсга юридик хизмат кўрсатилди



134 нафар шахсга ҳужжатларни тиклашга кўмаклашилди

5. Яшаш шароитларини яхшилаш.

3 621 та хонадонда уй-жойини (том, эшик, дераза ва ром, пол, фасад қисми), **1 709** тасида иситиш тизими, **558** тасида ҳожатхона, **430** тасида ҳаммом қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

161 та хонадоннинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга кўмаклашилди.

Ҳомийлик ҳисобидан **16 278** оила озиқ-овқат маҳсулотлари, **1 901** таси кийим-бош билан таъминланди.

Йил якунига қадар **110** мингга яқин оила, 2025 йил давомида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"даги **1,0** млнга яқин оила сўровномадан ўтказилиб, индивидуал хизмат режалари ишлаб чиқилади.

НАФАҚАЛАР

2024 йилнинг 11 ойи давомида нафақаларни ўз вақтида ва белгиланган муддатларда фуқароларга етказиб бериш мақсадида жами нафақалар учун **11 224,5** млрд сўм маблағлар тўлаб берилди.



- Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун – **5 954,3** млрд сўм;
- Пенсия олиш учун талаб қилинган иш стажига эга бўлмаган фуқаролар учун нафақа тўлови – **4 801,8** млрд сўм;
- Бир марталик нафақа тўловлари учун – **448,3** млрд сўм;
- Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ёрдам учун эса – **20,2** млрд сўм.

2024 йил 1 октябрдан бошлаб ижтимоий нафақалар миқдорлари **15** фоизга оширилиб, қуйидаги миқдорларга етказилди.



Меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **920** минг сўм (71,9 \$);



Боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига **745** минг сўм этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир оила аъзоси учун – **244** минг сўмдан қўшилади (58,2 \$).



Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **745** минг сўм (58,2 \$);



Дафн этиш учун бериладиган бир марталик дафн нафақаси – **1 712** минг сўм (133,8 \$).



Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига **745** минг сўм (58,2 \$);



2024 йил 1 ноябрдан бошлаб фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик суюнчи нафақаси – **811,9** минг сўм (63,5\$) га етказилди.



“ФАРОВОН ОИЛА” ДАСТУРИ

Камбағал оилалар аъзоларининг **ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида** шахслараро муносабат, ижтимоий изоляциядан чиқиш, ўз имкониятларини баҳолаш, мулоқотчанлик ва **ички ресурсларини аниқлаш бўйича тренинглар (когнитив хулқ-атвор терапияси)** йўлга қўйилиб, дастлабки босқичда Қуйичирчиқ тумани маҳаллаларининг **30** нафар аҳолиси иштирок этди.

Тренинг давомида камбағал оилалар аъзоларининг қуйидаги муаммолари аниқланди:



Шунингдек, **3** нафар аёлда **суицидга** ва **1** нафарида **фарзандидан (2 нафар) воз кечишга мойиллик** ҳамда **1** нафарининг оиласида **таъйиққа учрагани аниқланган**.

Тренинг давомида иштирокчиларнинг **12** нафарида – мулоқотда ўзига ишонч, **8** нафарида – фаол тинглаш, **8** нафарида – низоларни ҳал этиш, **13** нафарида – фикрларни ифодалаш бўйича ижобий ўзгариш кузатилди.

Тренинг натижалари асосида **20** нафар иштирокчилар билан биргаликда оиланинг даромадини **ошириш** мақсадида бандлик йўналишлари, ижтимоий муаммоларини бартараф этиш бўйича хизматлар белгилаб олинди.

У.Даулбаева тренинг натижасида ўзининг ички имкониятларини баҳолаб, маиший низоларни ҳал этиш орқали, “YUSTEX” МЧДЖ тикувчилик цехига ишга жойлашди ҳамда ногиронлиги бўлган фарзанди корхона ҳузуридаги боғчага жалб қилинди.

У.Беркинбаева тикувчилик бўйича мавжуд кўникмалари тикланди ва ногиронлиги сабабли меҳнат қилиш имконини берувчи тикув машинкаси билан ҳомийлар томонидан таъминланиб, уйда даромад топиш имконияти яратилди.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Ногиронликни белгилаш

2023 йилда Агентлик тасарруфидаги **130** та тиббий-ижтимоий эксперт комиссия (ТИЭК)лари (**14** ҳудудий, **19** педиатрия, **14** ихтисослаштирилган, **83** туманлараро, туман (шаҳар) фаолият юритган)

Жорий йилдан бошлаб мавжуд юкламадан келиб чиққан ҳолда, **33** та ихтисослаштирилган ва педиатрия ТИЭКларнинг фаолияти тугатилиб, ўрнига **туманлараро, туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг фаолияти** йўлга қўйилди.

Барча туманлараро, туман (шаҳар) ТИЭКларига **педиатр штати киритилди** ва вояга етмаган **168 858** нафар болалар ТИЭКга ўтказилди.

Натижада, **116** та ТИЭКлардаги ўртача кунлик юклама **15** кишидан **12** кишига туширилди.

150 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар текширувдан ўтиш учун узоқ ҳудудларга қатновга зарурият қолмади.

Муҳтожларга бериладиган реабилитация ва протез воситалари сони 2 баробарга кўпайтирилган бўлиб, уларнинг турлари **18** тадан **30** тага кенгайтирилди.

Протез мосламалари ва реабилитация воситалари хариди учун қоплаб бериладиган маблағлар миқдори ўртача **3** баравардан **10** бараваргача оширилди.

2024 йилда ногиронлиги бўлганларга протез-реабилитация воситалари учун ажратилган маблағлар – **1,5** баробарга (**100** миллиард сўмга) оширилди.

Шахсларнинг **кундалик ҳаётидаги фаоллигига ва иштироки (функционаллиги)га қараб** ногиронлик **белгилаш** бўйича WHODAS 2.0 шкаласидан фойдаланиш амалиёти тажриба синов тариқасида Тошкент шаҳар ва Навоий вилоятида жорий этилди.

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахслар учун реабилитация марказларида жорий йилда **27** минг шахс қамраб олинди (ўтган йилга нисбатан **2** минг нафарга кўп).

Реабилитация курсларидан сўнг, **801** нафар шахс ногиронлик гуруҳидан чиқарилиб, ҳолати яхшиланишига эришилди (ўтган йилга нисбатан **100** нафар кўп).





“

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги барча фуқаролар, айниқса, аҳолининг энг заиф қатламлари муносиб ва барқарор ҳаёт кечиришлари учун зарур шароитлардан фойдаланишларига имконият яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳимоя соҳасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди ва фахрланади. Биз аҳолининг инклюзив ўсиш ва барча учун янада адолатли келажакни қуриш йўлида ҳамкорликни давом эттиришга интиламиз.


БМТ Тараққиёт дастуридаги асосий вазифаси доимо тенгсизликни қисқартириш ва аҳолининг энг заиф қатламлари эҳтиёжларини устувор даражага олиб чиқишдан иборат. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳам ушбу қарашда биз билан ҳамжиҳат эканлигидан хурсандмиз. Бизнинг ёрдамимиз билан Агентлик энг кўп кўмакка муҳтож бўлганларга ёрдам етказилишини таъминлаб, вазиятга сезиларли таъсир кўрсата олади.

Акико Фужии, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили.

”

Ваучер асосида реабилитация қилишнинг техник воситаларини "Uzum market" орқали, "Пом market" орқали протез-ортопедия мосламаларини етказиб бериш хизматлари йўлга қўйилди.

ПОМларни олиш муддати



РТВларни етказиш муддати



ПОМ ва РТВлар билан таъминлаганлар




Муродулло Бегалиев, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани (НБШ),

“ Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги катта ёрдам қилди менга. 40 кун ичида протез мосламасини етказиб берди. Энди тўй ва маракаларга боряпман ”

- Уйдаги 20 минг шахснинг ҳаракатланиши енгиллашди
- 15 минг нафари билим олиши ва касбий кўникма эгаллаш имкони яратилди
- 12 мингдан ортиқ шахснинг меҳнатга жалб қилинди
- 11 минг нафари спорт билан шуғулланиш имкони яратилди

Ногиронлик белгиланган шахсларнинг бандлиги таъминлаш



Насиба Хусанова, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани "Сурхон соҳили" МФЙ:

“Боқиманда бўлишни хоҳламайман, қўлимда ҳунарларим кўп. Агар ҳозирги протезим 8 йил олдин бўлганида, ҳаётим бошқача бўлар эди...”

”

Солиқ хизмати органлари билан биргаликда бандлиги таъминланган ногиронлиги бўлган шахсларнинг **даромад солиғи бўйича имтиёздан фойдаланиш даражаси 2,4 бараварга оширилди** (январда – **18,1 минг**, сентябрда – **43,5** минг нафар ногиронлиги бўлган шахс).

Ходимлари умумий сонининг камида **50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат** ҳамда меҳнатига **ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини** ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этадиган барча юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан товарларни (хизматларни) **давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилиш имконияти** берилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан жорий йил 1-2 май кунлари “Ўзэкспомарказ”да **“Инсон учун” савдо кўرғазмаси** ташкил этилди. Тадбирда **250 дан зиёд тадбиркорлар**, шу жумладан, ногиронлиги бўлган якка тартибдаги ишлаб чиқарувчилар ва ҳунармандлар иштирок этди.

Тадбиркорлар ва давлат ташкилотлари ўртасида жами **440** млрд сўмлик (ўтган йилга нисбатан **4** баравар кўп) **900 га яқин шартномалар имзоланди**.

☑ Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси негизида Ўзбекистон адаптив спорт турлари ассоциацияси ташкил этилди.

☑ Республиканинг **254** та спорт мактабида адаптив спорт гуруҳлари ташкил этилади ҳамда мураббийларнинг лавозим маошига **50%** миқдорида устама белгиланди.

☑ Адаптив спорт турлари бўйича маҳаллий мусобақалар сони **40** тага етказиш вазифаси белгиланди (Паралимпия **20** та, Карлар **7** та, Кўзи ожизлар **5** та, Махсус олимпиада **6** та ҳамда “Беш ташаббус паралимпиадаси”).

“Мурувват” интернат уйлари



Республикада жами **29** та “Мурувват” интернат уйлари мавжуд



Интернат уйларининг умумий қуввати **9 103** ўринни ташкил этади

“Мурувват” интернат уйларида оиласи бағрига қайтарилган ногиронлиги бўлган шахслар сони

2023

117 нафар

2024

162 нафар



“

Мен, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳимоя соҳасига муҳим эътибор қаратилиб, тўғри йўналишда ҳаракат қилаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Конституцияга ижтимоий ҳимоя тушунчасининг киритганлиги Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш ниятларининг жиддийлигини намоён этди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши **ислоҳотлар нафақат қогозларда, балки амалда ҳам бажарилаётганлигини** исботлади.

Жуда қисқа вақт ичида Ўзбекистон қандай ютуқларга эришилганини кузатиб бормоқдаман ва шуни айтиш жоизки, кўплаб мамлакатлар маълум кўрсаткичларга эришиши 5 ёки ҳатто 10 йил давом этади.

Томас Данеста́д, Швеция Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси.

”

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИ ТАЪМИНЛАШ



Мамлакатда жами **168 858** нафар 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар мавжуд.

Алоҳида таълимга эҳтиёжлари бўлган болаларни таълимга йўналтириш ва ижтимоийлаштириш билан боғлиқ хизматлар яқин даврга қадар тиббий-психологик-педагогик комиссиялар ва ихтисослаштирилган мактаблар томонидан тарқоқ тарзда олиб борилган ва шунинг натижасида қатор бўшлиқлар мавжуд бўлган.

Агентлик ташаббуси билан мазкур комиссиялар фаолияти бирлаштирилиб, **психологик-тиббий-педагогик комиссиялар (ПТПК) фаолияти йўлга қўйилди** ва хулосалар электрон шаклланиши амалиёти (уникал QR-кодли) йўлга қўйилди.

Психологик-тиббий-педагогик комиссиялар томонидан **йил мобайнида 11 912 нафар алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни таълим-тарбияга қамраб олиш бўйича хулосалар тақдим этилган.**



Таълим ёшидаги ногиронлиги бўлган болалар



2024 йил (78,2%) таълим билан қамраб олинган (2023 йилда 75,4%)

Умумтаълим мактабларида ташкил қилинган инклюзив синфларда таълим олаётганлар



Жорий йилда



947 та мактабда




1 080 та инклюзив синфлар ташкил этилди



1 901 нафар ўқувчилар жалб қилинди

2023 йилда ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг 1-синфида таълим олиш учун **2 136** та хулосалар тақдим этилган бўлса, жорий йилда болалар инклюзив ёки умумий синфларга йўналтирилиши натижасида ушбу кўрсаткич **1 136** тани ташкил этди.

Ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда таълим олаётган болалар





Махсус мактабгача таълим ташкилотларида тарбия олаётган болалар



ПТПК томонидан **уйдаги таълимга хулоса бериш ҳолатлари** алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар инклюзив синфлар ва "Ғамхўрлик" гуруҳларига йўналтирилиши сабабли ўтган йилга нисбатан **2 571** мингга камайди

Шунингдек, **22** та санатор турдаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари **умумтаълим мактабларига айлантирилиб**, қуввати **6 381** тадан **11 000** тага кўпайди.





Шунингдек, бир йилда маҳалладаги ижтимоий ходимлар томонидан **71** нафар мактаб ёшига етган лекин, таълим билан қамраб олинмаган алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълимга жалб этилди.

Шофиркон туман Хоркаш МФЙда яшовчи туғма глаукома ташхисига эга С.Мга, Ғиждувон туманида истиқомат қилувчи ақлий ривожланишда бузилишлари бўлган (F-70) ташхисига эга 13 ёшдаги Б.Нга, Ромитан туманида истиқомат қилувчи ақлий ривожланишда бузилишлари бўлган (F-70) ташхисига эга 15 ёшли Т.Сга, Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Тараққиёт МФЙ, Озод қишлоғида истиқомат қилувчи (F-71) ташхисига эга 15 ёшли Т.Дга, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 19 квартал 1 уй 42 хонадонда истиқомат қилувчи (F-70) ташхисига эга 11 ёшли О.Қга ПТПК томонидан 1-синфга қабул қилиш бўйича хулосалар тақдим этилган.

Ногиронликнинг оғир турларига эга болалар жамиятдан ажралиб қолишининг олдини олиш мақсадида республика бўйича кундузги қисқа муддатли **66** та “Ғамхўрлик” гуруҳлари ташкил этилди.

3 ёшдан дан **16** ёшгача бўлган **511** нафар болаларни “Ғамхўрлик” гуруҳларига йўналтириш натижасида ота-оналарининг бандлиги таъминланиши ва ижтимоий ҳордиқ олишига имкон яратилди.

Агентлик тасарруфидаги **7** та “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйларида **15** та “Кундузги парваришlash гуруҳлари” ташкил этилди ҳамда малакали ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилди.

“Мурувват” болалар интернат-уйларига йўналтирилган **292** нафар боладан **128** нафари (**43,8%**) “Кундузги парвариш” гуруҳларига жалб этилган ва ўз оиласи билан қолган.

Шунингдек, “Мурувват” уйларида “Ота-оналар ва болалар учрашув хоналари” ташкил этилди ҳамда ота-оналар билан онлайн (планшет орқали) мулоқот йўлга қўйилди.

Гуруҳларга **188** нафар болалар қамраб олиниб, улар оиладан ажралмасдан махсус хизматларни олиши ҳамда ота-оналарига меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун имконият яратилди.



“ GIZ ўз фаолиятининг илк кунларидан бошлаб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини ижтимоий ҳимоя сиёсатини ишлаб чиқиш, инклюзив муҳитни таъминлаш ва кадрларларнинг малакасини ошириш каби соҳаларда қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ушбу қўллаб-қувватлаш Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, Халқаро меҳнат ташкилоти ва шулар каби бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш учун тажрибалар ва илғор амалиётлар тақдим этишни ўз ичига олган комплекс ёндашувни таъминлайди.

Узоқ муддатли ҳамкорлик нуқтаи назаридан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига Ўзбекистоннинг ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида инклюзив, барқарор ва мослашувчан ижтимоий ҳимоя тизимини яратишда муваффақиятлар тиламиз.

Йоахим Фритц, Германия халқаро ҳамкорлик агентлигининг директори, (GIZ).

”

ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРГА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасаларни ("Меҳрибонлик" уйлари, болалар уйлари, оилавий болалар уйлари, "SOS" болалар маҳаллалари), вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари Агентлик тасарруфига ўтказилиши натижасида **ягона тизим йўлга қўйилди.**

Шунингдек, **vasiy.uz** электрон платформаси такомиллаштирилиб, ҳозирги кунда **78** минг етим ва ота-қарамоғидан маҳрум бўлган болалар (шу жумладан, 18 ёшдан катта бўлган "Ёшларга ҳамроҳлик" дастурига қамраб олинган ёшлар) **маълумотлари тизимга киритилди.**

Илк бор, 14-23 ёшдаги **20** мингдан ортиқ етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий интеграциясига кўмаклашиш ҳамда доимий мониторинг имкониятини яратиш мақсадида **"Ёшларга ҳамроҳлик"** хизмати йўлга қўйилди.

Болалар орасида ўтказилган сўровнома натижасида



16,5 минг нафар бола касб-ҳунар ва меҳнатга



13 минг нафар спорт тўғаракларига



2 минг нафар олий таълимга



500 нафар ҳарбий хизматга



5,1 минг нафарига бандлигини таъминлашда кўмаклашиш хизматлари белгилаб олинди



Йил давомида **300** нафар бола етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасалардан **ўз оиласи** ёки **оилавий муҳитга қайтарилди** ҳамда **30** мингга яқин болага васийлик ва ҳомийлик белгиланди.


Муқобил шаклда тарбияланаётган **70** мингга яқин болалар маҳалладаги ижтимоий ходимлар томонидан боланинг **хавфсиз яшаш, таълим олиш ва соғлиғини сақлаш билан боғлиқ ҳуқуқлари** таъминланиши ҳамда эҳтиёжларини аниқлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича **тизимли мониторинг** йўлга қўйилди.

Хорижда ота-она қарамоғисиз қолган болаларни мамлакатга қайтариш бўйича алоҳида тизимли тадбирлар ўтказиш натижасида жорий йилда **120** нафар бола қайтарилди.

2024 йилда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга **уй-жойлар харид қилиш маблағлари 2** баробарга оширилди.

Турар жойга эҳтиёжи бўлган **790** нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ўзлари яшаётган ҳудуддан **уй-жой харид қилиниб, жиҳозланган ҳолда топширилди.**

Шунингдек, болаларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш, таълимга жалб этиш ва бош вақтларини мазмунли ўтказиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

 **4 891** нафар бола ўрта махсус ва олий таълим билан қамраб олинган

 **1 577** ўрта махсус

 **3 514** олий таълим муассасаларида

 **964** нафар болалар расмий даромадга эга






2023



2024

Чиноз туманидаги Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасининг барча ўқувчилари (**185** нафар) оилага, яқин қариндошларига ва жойлаштирув муқобил шаклларига йўналтирилиб, уларнинг ижтимоийлашуви кузатувга олинди.



-  **180** нафар қизлар қонуний вакилларига топширилди
-  **1** нафар - оилавий болалар уйларига
-  **4** нафар - Меҳрибонлик уйларига

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни оилага ўхшаш муҳитдек муқобил жойлаштиришнинг янги шакли - **Кичик ҳажмли болалар уйи ташкил этилди.**

Комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали оилаларнинг иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлар сабабли **болалардан воз кечиш** ёки институционал муассасаларга **топширишнинг олдини олиш (Gate keeping)** амалиёти жорий этилди.

Бухоро тумани “Янгиобод” МФЙда яшовчи фуқаро Жумаева Шаҳрибону (ажрашган, 2 нафар фарзанди бор, ота-онасининг уйида яшайди, ҳамшира) ўғли Атақулов Мадийрбекни болалар церебрал фалажи ва бошқа неврологик патологиялар сабабли Болалар уйи ёки Мурувват уйига топширмоқчи бўлган.

Маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан фарзандини **ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотига жойлаштириш** ҳамда фарзандини кечалари уйига олиб келиши имконияти борлиги тушунтирилган.

Психологик-тиббий педагогик комиссиянинг хулосасига асосан Бухоро шаҳридаги 18-сонли кўп тармоқли ихтисослаштирилган **мактабгача таълим ташкилотига** хулоса берилиб, **жойлаштирилган.**

“Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни тасдиқланди.

Қонун билан зўравонлик шакллари, зўравонлик юзасидан **хабар бериш тизими, вазиятни баҳолаш, хизмат кўрсатишга масъул ташкилотлар** ва хизмат турлари, **мониторинг қилиш тартиби** ҳамда **назорат** механизмлари тасдиқланди.



“**Қонуннинг қабул қилиниши** — бу, Ўзбекистонда аниқ **сиёсий ирода** мавжудлигидан далолат беради”

Мунир Мамедзаде, ЮНИСЕФНИНГ Ўзбекистондаги ваколатхонасининг **собиқ раҳбари (2020-2023)**

”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб:

- — Васийлик ва ҳомийлик органи **ваколатлари кенгайтирилди**
- — Васийлик тизими **рақамлаштирилди**
- — **Ижтимоий етимликнинг олдини** олиш хизматлари жорий этилди
- — “**Ёшларга ҳамроҳлик**” дастури йўлга қўйилди
- — **Тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари** такомиллаштирилди



“

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди, бу эътирофга лойиқдир. Мамлакатда амалга оширилаётган институционал ислоҳотлар, хусусан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиши глобал аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишда муҳимдир.

Марсело Аби-Раmia Каetano, Халқаро ижтимоий таъминот ассоциациясининг бош котиби (ХИТА).

”

ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳар бир аёлга маҳалла даражасида кўмак олишга имкон яратилди.

Яқин вақтга қадар тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга маҳалла даражасида кўрсатиладиган хизматлар мавжуд бўлмаган ва ижтимоий хизматлар фақатгина вилоят даражасида кўрсатилган.

✓ Январь-ноябрь ойларида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича **47,0** мингта “ҳимоя ордери” берилган, шундан **6** минг ҳолат (5 972) ноябрь ойида.

✓ Ички ишлар органлари томонидан расмийлаштирилган “ҳимоя ордери” ҳақидаги маълумотлар ахборот тизими орқали “Инсон” марказларига реал вақт режимида етказилиши йўлга қўйилди.

✓ «Оила — маҳалла — туман ва ҳудуд» тамойили асосида комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилди.

Ижтимоий ҳодимлар томонидан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича ноябрь ойида **1** мингта кейс (17% ҳолатлар) очилган ва **3 845 та** хизматлар кўрсатилган (йил бошидан **2 550 та** кейс, **9,3** мингта хизмат).

“Инсон” марказлари ва ижтимоий ҳодимлар томонидан **ҳар бир ҳолат ўрганилиб**, шахсларга мавжуд ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар таклиф қилинади.

Республиканинг барча ҳудудларидаги шифохоналарнинг шошилиш қабул бўлимларида босқичма-босқич **192 та** бирламчи кўмак хоналари ташкил этилди.



Бирламчи кўмак хоналарида
кўмак кўрсатилганлар сони

Аёлларни **реабилитация қилиш** ва
мослаштириш марказларида кўмак
кўрсатилганлар сони



Шу билан бирга "Инсон" марказлари ҳамда аёлларни **реабилитация қилиш** ва мослаштириш марказлари томонидан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга **хизмат кўрсатишнинг** энг кўп муддати **2** ойдан **6** ойга узайтирилди.

Реабилитация марказларида касб-ҳунар ўрганиш истагида бўлган хотин-қизларга тикувчилик, гилам тўқиш, пазандалик, болалар массажи, гўзаллик хизматлари, компьютер саводхонлиги (онлайн тижорат) каби дуал-таълимга асосланган курслар ташкил этилди.



ЎЗГАЛАР ПАРВАРИШИГА МУҲТОЖ ШАХСЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни аниқлаш, эътироф этиш ва уларга хизматларни белгилаш учун **50** кунгача вақт ва **10** дан ортиқ ҳужжатлар йиғиш ва туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорлари чиқишини кутиш талаб этилган.

Мазкур тизим тўлиқ рақамлаштирилиб, "Инсон" маркази директорлари қарори билан **5** иш кунда ўзгалар парваришига муҳтож шахс сифатида **эътироф этиш** ва **индивидуал хизматлар режасини автоматик шакллантириш** тартиби жорий қилинди.

Бир йил давомида



4 минг нафар хатловлар мобайнида аниқланган шахслар реестрга киритилган



3 минг нафар шахс қайта баҳолаш натижасида реестрдан чиқарилган

Бугунги кунда реестрда **17,2 нафар** ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар мавжуд.



Шунингдек, хизмат турлари **4 баравар** кўпайди

2023

2 та

2024

8 та

2 338 нафар ижтимоий ходим ассистентларига соатбай ҳақ тўлаш тартиби жорий қилиниб, иш юкласи тенг тақсимланиши таъминланди.

"Ижтимоий ҳамроҳлик" хизмати жорий этилиб, уй-жойидан ташқарига чиқишида муаммолари бўлган шахсларга **тиббиёт ва спорт муассасаларига бориб-келишида кўмаклашилди.**

Хизмат жорий қилинган дастлабки икки ойда **1,4 минг нафар** шу каби шахсларга "Ижтимоий ҳамроҳлик" хизмати кўрсатилди



Муҳтож шахсларга кўрсатилган хизматлар



Уй-жой шароитлари мослаштирилган шахслар

798
нафар

Қариндошлари ва яқинлари билан алоқа тикланганлар

1 150
нафар

Чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган шахслар

1 758
нафар

Имтиёзли дори воситасини олишда кўмаклашилганларнинг сони

1 865
нафар

80 ёшдан ошганларга қараб туриш бўйича далолатномалар сони

10 205
нафар

Ҳар ойлик моддий ёрдам тўланмоқда

7 000
нафар

- Ҳар ойлик озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий гигиена товарлари ва уй-жой коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича иккита компенсация ўрнига **648** минг сўм миқдорида (30 фоизга оширилган) моддий ёрдам жорий этилди.

Рушана Саматова, Қашқадарё вилояти (кўришда нуқсони бўлган шахс),

“ Дўконга, кутубхонага, имтиҳон ва бошқа ишларга бориш учун ҳамроҳ керак бўлган. Манашу ҳамроҳлик хизмати “Инсон” марказида йўлга қўйилган экан. Бунақанги хизмат олдин йўқ эди. Энди йўлга қўйилди. Мана энди яхши бўлди. Бормоқчи бўлган жойимга энди онамни овора қилмайман.

”

Эксперимент тариқасида Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятида аутсорсинг асосида **28** нафар шахсларга **кундузги қараб туриш хизматлари жорий этилди**.

Саховат интернат уйлари тугатилиб, уларнинг негизида барча тоифадаги шахслар учун **очиқлик тамойили** асосида ижтимоийлашувга қаратилган хизматларни кўрсатувчи **Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилиб**, қўшимча равишда **кундузги ва мобил хизматлар** йўлга қўйилди.

Хизмат кўрсатилди



Кундузги қатнов асосида **252** нафар



Қисқа ва узоқ муддатли стационар шаклда **809** нафар



Мобил шаклда **35** нафар

Марказларда



20 турдан ортиқ меҳнат устaxonалари ташкил этилди



181 нафар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар фаолият олиб бормоқда



Устaxonаларда ишлаб чиқарилган **19,6** млн сўмлик маҳсулотлар сотилди



“Нуронийлар маскан”ларида турли ҳилдаги **тўғараклар жорий этилди** ва бугунги кунда **1,8** минг нафардан ортиқ шахслар мавжуд хизматлар билан қамраб олинди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошида жами **11** санаторий мавжуд бўлиб, умумий қуввати - **2 501** ўриндан иборат. Шундан **1 952** ўрин йўлланма ҳисобига тўлдирилади.

Санаторийларнинг қуввати



Санаторийларда хизмат олувчилар



1 йилда қабуллар сони **28** тадан **30** тага оширилиб, "Check in - Check out" тизими жорий этилди.

Жорий йилнинг январь-ноябрь ойларида **43 563** нафар шахснинг санаторийларда йўлланма асосида соғломлаштирилиши таъминланди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109 фоиз ёки 3,5 минг нафар кўп).



- Ҳар йили соғломлаштириш** хизматларини олиши белгиланган (уруш ногиронлари, Чернобыль АЭС ҳалокати сабабли ногиронлик белгиланганлар, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар) **1 893** нафар шахс (ўтган йилга нисбатан **5,8** баравар кўп, 2023 йилда 329 нафар).
- Ҳар икки йилда соғломлаштирилиши** белгиланган (I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар) **17 343** нафар шахс (ўтган йилга нисбатан **2,8** баравар кўп, 2023 йилда 6 131 нафар).
- Ҳар уч йилда соғломлаштириш** хизматларини олувчи (ёшга доир пенсионерлар) **24 327** нафар шахс санатор соғломлаштирилди.

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН МУЛОҚОТ

“Зиё таратамиз” лойиҳаси - Ногиронлиги бўлган шахсларга, айниқса, кўзи ожиз инсонлар учун янги аудио китоблар олами ташкил этилди.

20 дан ортиқ ўзбек ва жаҳон адабиёти бестселлерлари, **2** та театр саҳна асарлари аудио форматеда платформа яратилди ва **3,5** мингдан ортиқ обуначилар қамраб олинди.



“Мени эшитинг” PR кампанияси (бола ҳуқуқлари ва уларни зўравонликнинг ҳар қандай туридан ҳимоя қилишга қаратилган) ижтимоий тармоқларда **2 млн** дан ортиқ аҳоли қамраб олинди.

“Чегара билмассан ИНСОН” PR кампанияси - жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётга ижтимоийлашув кайфиятини ошириш мақсадида мувафаққиятга эришган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт ҳикоялари асосида **98** та видео материаллар тайёрланиб, **200** мингдан ортиқ аҳолини қамраб олди.

“Мен ууддаладим, сен-чи?” PR кампанияси доирасида (иқтисодий аҳволини яхшилаган ва ўз оиласи учун даромад топиб, камбағалликдан чиққан оилалар ҳақида мувафаққиятлар акс эттирилган видеолар ҳақида тўплами) **49** нафар турли муаллифлар пост ва материаллар чоп этган.

“Qizimga...” медиа лойиҳаси қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш, уларга қарши камситиш ва зўравонликка қарши курашиш ҳамда уларнинг келажаги учун тенг имкониятлар яратишдир. Лойиҳа доирасида **16** та ролик эълон қилинди, умумий қамров **678** мингга ташкил этади, роликлар ижтимоий тармоқларда **2 000** дан ортиқ ижобий изоҳлар йиғди.

ҲАМКОР НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР

 <p>“Шароит плюс” нодавлат нотижорат ташкилоти</p>	<p>“Диалог” нодавлат нотижорат ташкилоти</p> 
 <p>“Меҳрли қўллар” хайрия фонди</p>	<p>“Ойдин нур” оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази</p> 
 <p>Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти</p>	<p>Тошкент шаҳар “Нур” ногирон тадбиркорлар ассоциацияси</p> 
 <p>Қозоғистоннинг “Ана уйи” нотижорат ташкилоти</p>	<p>Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази</p> 
 <p>Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамияти</p>	<p>“Она” жамоат фонди</p> 
 <p>Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси</p>	<p>“Вақф” хайрия жамоат фонди</p> 
 <p>Ўзбекистон волонтерлари ассоциацияси</p>	<p>Ўзбекистон қарлар жамияти</p> 



ҲАМКОРЛИКНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Жиззах шаҳрида “Жиззах саломат” ўқув ишлаб-чиқариш корхонасининг биноси таъмирланиб, **кўзи ожизларга мослаштирилди** ва бинода **электр жиҳозларини ишлаб чиқариш** бўйича **50** нафар кўзи ожиз шахслар иш билан таъминланди;

“Инсон учун” платформаси ишга туширилиб, оғир ҳаётӣ вазиятга тушиб қолган ота-оналарнинг фарзандларига тиббий кўмак кўрсатиш натижасида **201** нафар касалликка чалинган бола соғайишга муваффақ бўлди. Умумий **5** млрд **338** млн сўм маблағ тўпланди. Бунда, **218** мингдан ортиқ бефарқ бўлмаган ҳамюртларимиз иштирок этдилар.

“Иш плюс” лойиҳаси Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Яккасарой ва Олмазор туманларида ишга туширилиб, натижада, **152** нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлиги таъминланди.

Ўзбекистонда илк бор Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида **“Она уйи” нодавлат ташкилотининг фаолияти** йўлга қўйилди.

“Она уйи” – болаларнинг ўз оилаларида қолиши, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, оғир ҳаётӣ вазиятда қолган ҳомиладор аёллар ва ёш болали аёлларни қўллаб-қувватлаш институти яратилди.

18 та аёл ҳамда **24** нафар бола мурожаат қилиб, шулардан, **7** нафар аёл ва уларнинг **9** та фарзандлари ўз оилалари билан бирлашдилар.

Илк бор, республика миқёсида волонтерлар ва давлат идорасининг муҳтож аҳолининг муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган **volontyor.uz** платформаси ишга туширилди.

Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнига волонтерларни жалб этиш борасида “Инсон” ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларида **волонтерлар фаолияти йўлга қўйилди.**



794 нафар волонтерлар аҳолига хизмат кўрсатишда ўз қизиқишларини билдириб, «Инсон» ижтимоий марказларда иш ўрганиб, ижтимоий ходимларга кўмак кўрсатди.



160 нафар волонтерлар Агенликнинг турли форматидаги тадбирларида ташкилий ва техник кўмак кўрсатди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК


30 га яқин турли йўналишларда **халқаро ташкилотлар** билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.



17 та чет давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатилди



Мамлакат даражасида ўзаро англашув тўғрисидаги **6** та меморандум:



2024 йил давомида Агентлик делегациялари (**30** нафардан ортиқ ходим) **АҚШ, Озарбайжон, Грузия, Швейцария, Италия, Испания, Туркия, Арманистон, Дания, Япония** каби **15** га яқин хорижий давлатларда ўз малакасини оширди ва қатор илғор тажрибалар Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизимига жорий этилди.

Ижтимоий ҳимоя соҳасига янги илғор ғоялар ва ташаббусларни жорий этиш мақсадида республика ва халқаро миқёсда турли форматдаги тадбирлар ўтказилди

2023 **43 та**

2024 **128 та**

Хорижий ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиши натижасида жалб этилган экспертлар сони

2023 **7 нафар**

2024 **11 нафар**



Агентлик, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Колумбия университетининг Ижтимоий иш мактаби (АҚШ) билан биргаликда **“Ҳамжамиятларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий фаровонликни ривожлантириш маркази”** фаолияти йўлга қўйилди.

Грузия тажрибаси асосида:

- Ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож шахслар, ногиронлиги бўлган ва васийликка олинган болаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ва мониторинг қилишнинг профессионал тизими ташкил этилди.
- **24** соат мобайнида ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш бўйича аҳоли мурожаатларини қабул қилувчи Call-марказ фаолияти ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларига **14** та лойиҳа бўйича **159,3** млн доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинди.



100,7 млн доллар
кредит



58,6 млн доллар
грантлар

Жаҳон банки томонидан 2024–2029 йилларда “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини интеграциялашнинг инновацион ижтимоий ҳимоя тизими – “INSON” лойиҳаси учун **100** млн доллар миқдоридаги кредит маблағлари жалб қилиниб, лойиҳа реализацияси бошланди.



“ Биз Ўзбекистон ҳукуматининг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама ва самарали қўллаб – қувватлаш мақсадида миллий ижтимоий ҳимоя тизими салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини олқишлаймиз

Марко Мантованелли, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси собиқ раҳбари (2020-2024).

”

"CALL MARKAZ" FAOLIYATI

"Call markaz" tomonidan йил boʻshidan **840** mingga yaqin qўnqiroq qabul qilinib, murojaatchilarning birламчи savollariга javob berildi ҳамда mavjud muammolari ҳал қилиш учун Агентликка йўналтирилди.

Qўnqiroqdan sўng, muvoqot va xizmat kўrsatish sifati murojaatchilar tomonidan ўrtacha – **4,8** ballga baҳolanmoqda (5 ballдан).

Операторлар сони



Бир вақтда қўнғироқ қабул қилиш каналлари



1140
ijtimoiy xizmatlar
va ёrдамлар бўйича
қисқа рақам (30 та оператор)



1146
тазйиқ ва зўравонликдан
жабрланганлар учун хизматлар
бўйича **24/7 режимда** ишловчи
қисқа рақам




(Telegram, Facebook, Instagram)
2 та оператор




6 нафар оператор
(профессионал юрист ва
психологлар)

Йил бошидан 820 мингдан ортиқ мурожаат



Июль-ноябрь ойларида 12 073 қўнғироқлар



71-202-06-00
ишонч телефони (2 та оператор)

Йил давомида **7 147** та мурожаат

